

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРЗАЕВ ШОХРУХ ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ**

**КУЗГИ БУҒДОЙДА ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИ ВА КОМПОСТ  
ҚЎЛЛАШНИНГ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ҲАМДА ЭКИНЛАР  
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

**06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural  
sciences**

**Мирзаев Шохрух Файзуллаевич**

Кузги буғдойда ўғитлар меъёрлари ва компост қўллашнинг тупроқ  
унумдорлиги ҳамда экинлар ҳосилдорлигига таъсири..... 3

**Мирзаев Шохрух Файзуллаевич**

Влияние применения норм удобрений и компоста под озимую  
пшеницу на плодородие почвы, а так же на урожайность культур..... 19

**Mirzaev Shokrukh Fayzullaevich**

Effects of fertilizer rates and compost application in winter wheat on soil  
fertility and yield of crops..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 39

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРЗАЕВ ШОХРУХ ФАЙЗУЛЛАЕВИЧ**

**КУЗГИ БУҒДОЙДА ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИ ВА КОМПОСТ  
ҚЎЛЛАШНИНГ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ҲАМДА ЭКИНЛАР  
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

**06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Qx554  
рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетиди бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг ([www.andqxi.uz](http://www.andqxi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Иминов Абдували Абдуманнобович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Тунгушова Дилбар Абдукаюмовна**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

**Атажанов Муроджон Махамаджонович**

қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 рақамли Илмий кенгашнинг «23» 10 2021 йил соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 170600, Андижон туман, Куйган-ёр шаҳарчаси Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. Тел: (99874) 373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; e-mail: [agai\\_info@edu.uz](mailto:agai_info@edu.uz); Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Маъмурий биноси, 1 қават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 10 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99874) 373-10-54.

Диссертация автореферати 2021 йил « 10 » 11 да тарқатилди.

(2021 йил « 10 » 11 даги 10 рақамли реестр баённомаси)



**А.Исашов,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, к.х.ф.д., профессор.

**С.О.Абдурахмонов,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.х.ф.д., профессор в.б.

**К.С.Комилов,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.н.,  
доцент.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** “Бугунги кунда дунёда ғўза 34,7 млн. гектар майдонда экилиб, ҳар йили 27,2 млн. тоннадан зиёд пахта толаси етиштирилмоқда”<sup>1</sup>. “Буғдойнинг экин майдони 221,96 млн. гектарни ташкил этиб, 776,5 млн. тонна дон ҳосили олинмоқда”<sup>2</sup>. Шунингдек, такрорий экин сифатида дуккакли-дон экинлари 91,6 млн. гектар майдонга экилиб, ўртача дон ҳосили 12,0-13,0 центнерни, ялпи ҳосил эса 206,4 млн. тоннани ташкил этади. “Ўзбекистонда 2020 йилда 1,034 млн. гектар майдонда ғўза парвариш қилиниб, 3,082 млн. тонна пахта хомашёси етиштирилди”<sup>3</sup>. “2021 йил ҳосили учун 1,038 млн. гектар майдонда бошоқли дон экинлари парвариш қилиниб, 7 миллион тоннадан ортиқ дон етиштирилди”<sup>4</sup>. Ҳозирда такрорий экинларни ҳисобга олмаганда, асосий экинлар - ғўза ва кузги бошоқли дон экинларини бир марта навбатлаб экилишида ғўза экини ҳисобига 8-10 тонна, бошоқли дон экинлари ҳисобига 11-12 тонна, жами 1 гектар майдондан бир ротация давомида 19-22 тоннагача органик модда чиқиб кетмоқда. Бу эса тупроқ унумдорлигини йилдан - йилга пасайиб боришига олиб келмоқда.

Дунё қишлоқ хўжалиги амалиётида қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида ғўза ва ғўза мажмуидаги экинлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун уларни озиклантириш меъёрларини экин турларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш ҳамда турли хил компостларни қўллаш орқали минерал ўғитлар меъёрларини камайтириш бўйича олиб бориладиган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, кузги буғдойдан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида тупроқнинг унумдорлигини оширувчи, аҳолини озик-овқат ва чорвани ем-хашак маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондиришга хизмат қиладиган экин турларини танлаш борасида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Республикамизда аҳолини озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш ва тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экинларни экиш кенг йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида “ 3.3 қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакат озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”<sup>5</sup> муҳим стратегик вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, республикамизда кенг қўлланилаётган қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида ғўза мажмуидаги экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда кузги буғдойда қўлланиладиган минерал ўғитлар меъёрларига

<sup>1</sup> <http://www.ministryoftextiles.gov.in/sites/default/files/Textiles-Sector-Cotton-Sep19.pdf>

<sup>2</sup> <https://latifundist.com/rating/top-10-stran-proizvoditelej-pshenitsy-v-202021-mg>

<sup>3</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2020/12/01/cotton/>

<sup>4</sup> <https://yuz.uz/news/gallani-sotish-ham-davlat-xaridi-ham--erkin-narxda>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

кўшимча равишда ярим чириган қора мол гўнги ва компостларни қўллаш, такрорий экин сифатида мошни экиб, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича олиб бориладиган илмий-тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июлдаги ПҚ-3027-сонли “2017 йилда бошқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 мартдаги 121-сонли “Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш ва 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тўғрисида”ги қарори ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Суғориладиган ерларда қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларини қўллаш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда бир даладан икки ҳосил етиштириш бўйича Қ.М.Мирзажонов, Р.Орипов, Б.М.Халиков, А.Э.Авлиёқулов, Н.Ўразматов, А.А.Иминов, Ф.Б.Намозов, М.А.Авлиёқулов, З.Жумабоев, М.Тожиев, С.Баҳромов, Қ.Жўраев, Я.Бўриевлар, қишлоқ хўжалик экинларида минерал ва маҳаллий ўғитларни ҳамда турли хил компостларни қўллаш самарадорлигини аниқлаш бўйича И.Мадраимов, Қ.Розиқов, Н.Н.Зеленин, Н.М.Ибрагимов, Б.И.Ниёзалиев, С.М.Болтаев, Б.Х.Тиллабеков, Л.А.Мирзаев, С.Р.Хатамов ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Лекин, суғориладиган майдонларда тупроқнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ғўза ва ғўза мажмуидаги экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин – мош: ғўза тизимида кузги буғдойда қўлланилган ярим чириган қора мол гўнги ва компостнинг такрорий экин мошга боғлиқ ҳолда тупроқнинг унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Тошкент давлат аграр университетининг 2011 йил 17-февраль 6-сонли баёни билан тасдиқланган “Бир майдондан бир йилда 2-3 хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш усулларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган (2011-2015 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин - мош: ғўза тизимида тупроқнинг унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигига кузги буғдойда компост ҳамда ўғитлар қўллашнинг таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойда қўлланилган ўғитлар меъёрлари ва компостнинг таъсирида анғиз ва илдиз қолдиқларини тўпланиши ҳамда улар таркибидаги озика моддалар миқдорини аниқлаш;

кузги буғдойда қўлланилган ўғитлар ва компостнинг сўнги таъсирида такрорий экин мошнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда тупроқда қолдирган илдиз ва анғиз қолдиқларининг тупроқ унумдорлигига таъсирини аниқлаш;

кузги буғдойда қўлланилган ўғитлар меъёрлари ва компостнинг такрорий экин мош ва ғўзага боғлиқ ҳолда тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хусусиятларининг ўзгаришини таҳлил этиш;

кузги буғдойда қўлланилган ўғитлар меъёрлари ва компостнинг ғўза мажмуидаги экинларни ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

қўлланилган агротехник тадбирларнинг кузги буғдой, такрорий экин мош ва ғўзадаги иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб, типик бўз тупроқлар, қора мол гўнги, компост (шоли ва ёғоч қипиғи - 25 %, гўнг - 25 %, товуқ гўнги - 35 %, фосфогипс - 15 % нисбатда аралаштириб тайёрланган), кузги буғдойнинг “Краснодарская-99”, мошнинг “Победа-104” ва ғўзанинг ўрта толали “Султон” навлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин - мош: ғўза тизимида кузги буғдойда компост ва ўғитлар қўллашнинг тупроқни агрофизикавий, агрохимёвий хоссалари, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсири олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблашлар ва кузатувлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, тупроқ ва ўсимликлардаги таҳлиллар “Методы агрофизических исследований”, “Методы агрохимических анализов почв и растений” услубий қўлланмалари асосида олиб борилиб, натижаларни статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ва Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубий қўлланмаси ҳамда иқтисодий самарадорлик Н.А.Баронов усули асосида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.**

илк бор Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин – мош : ғўза тизимида кузги буғдойни экиш олдидан шудгор остига 10, 20 т/га гўнг ёки компост (шоли ва ёғоч қипиғи - 25 %, гўнг - 25 %, товуқ гўнги - 35 %, фосфогипс - 15 % нисбатда аралаштириб тайёрланган) қўллашнинг тупроқ

унумдорлиги ҳамда ғўза мажмуидаги экинлар ҳосилдорлигини оширишдаги самарадорлиги аниқланган;

кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри + 10, 20 т/га ярим чириган қора мол гўнги ёки компост қўлланилиб, такрорий экин сифатида мош етиштирилиши тупроқнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хусусиятларини яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатиши натижасида унинг хажм массасини 0,005-0,015 г/см<sup>3</sup> га енгиллашиши, сув ўтказувчанлиги 10-40 м<sup>3</sup>/га, гумус миқдори 0,007-0,013 % га, умумий азот миқдори 0,005-0,009 % га, умумий фосфор миқдори 0,008-0,011 % га ортиши аниқланган;

кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри + 20 т/га ярим чириган қора мол гўнги ёки компост қўлланилиши кузги буғдой ва такрорий экин мошнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатиши натижасида дон ҳосили кузги буғдойда 9,8-11,5 ц/га, такрорий экин мошда 2,8-3,4 ц/га ортиши аниқланган;

кузги буғдойда компост қўллаш ва такрорий экин сифатида мош етиштириш орқали ғўза ҳосилдорлигини ошириш ҳамда пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларини яхшилаш имкониятлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1 (ғўза:ғалла) тизимида кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёрига қўшимча равишда 10-20 т/га ярим чириган қора мол гўнги ва компостнинг 2-йил сўнгги таъсири ҳамда такрорий экин мошнинг анғиз ва илдиз қолдиқларининг ғўзадаги мақбул таъсири натижасида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги назоратга нисбатан 10-40 м<sup>3</sup>/га ва хажм массаси 0,005-0,015 г/см<sup>3</sup> га яхшиланганлиги аниқланган;

тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш учун қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин-мош : ғўза тизимида кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри + 10-20 т/га ярим чириган қора мол гўнги ва компост қўллаш ҳамда такрорий экин сифатида мош экиб, ғўзада минерал ўғитларнинг  $N_{200} P_{140} K_{100}$  кг/га меъёри қўлланилиши тупроқдаги гумус миқдорини 0,007-0,013 % га, умумий азот миқдорини 0,005-0,009 % га, умумий фосфор миқдорини 0,008-0,011 % га юқори бўлишини таъминланган;

кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри + 20 т/га ярим чириган қора мол гўнги ва компост қўлланилган вариантларда уч йилда ўртача 62,1-63,8 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, ушбу фонларда такрорий экин сифатида етиштирилган мошнинг дон ҳосили 17,2-17,9 ц/га ни ташкил этиб, фақат минерал ўғитлар қўлланилган вариантга нисбатан кузги буғдойда 9,8-11,5 ц/га, такрорий экин мошда 2,8-3,4 ц/га қўшимча дон ҳосили олинган;

нисбатан юқори пахта ҳосили кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри + 20 т/га ярим чириган қора мол гўнги ва компост қўлланилиб, такрорий экин мошдан сўнг ғўза экилган вариантларда олинган ва 3 йилда ўртача 42,3-43,1 ц/га ни ташкил этиб, мошнинг таъсиридан 3,3-4,2 ц/га, гўнг ва компостнинг сўнгги таъсиридан 1,7-3,5 ц/га, компост билан мошнинг биргаликдаги таъсиридан эса 5,0-7,7 ц/га қўшимча ҳосил олинган;



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларидан фойдаланилган ҳолда математик–статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларининг маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқариш шароитида кенг жорий этилганлиги, Республика ва Халқаро илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, илмий нашрларда илмий мақолалар чоп этилганлиги натижаларининг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1 (ғўза:ғалла) тизимида кузги буғдойда минерал ўғитлар меъёрларига кўшимча равишда ярим чириган қора мол гўнги ва компост қўллаш ҳамда такрорий экин сифатида мошни етиштирилиши тупроқнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хоссаларига ижобий таъсир этиши ҳисобига ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили олиш мумкинлигини илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойда минерал ўғитлар меъёрларига кўшимча равишда ярим чириган қора мол гўнги ва компост қўллаш ҳамда такрорий экин сифатида мошни етиштирилиши ҳисобига ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили олиниб, юқори иқтисодий самарадорликка эришилганлиги ва олинган натижаларни амалиётга кенг жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида ярим чириган қора мол гўнги, компост ва минерал ўғитлар қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

фермер хўжаликлари учун “Қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида кузги буғдойда турли хил ўғитлар ва компост қўллаш орқали ғўза мажмуидаги экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича тавсиялар” ишлаб чиқарилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 27 февралдаги 02/025-818-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома бугунги кунда пахтачилик фермер хўжаликларида тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ҳамда экинлардан юқори ҳосил олишда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин-мош:ғўза тизимида ярим чириган қора мол гўнги, компост ва минерал ўғитларни қўллаш технологияси Тошкент вилояти Чиноз ва Бўка туманларининг фермер хўжаликларида жами 263,0 гектар майдонларга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 27 февралдаги 02/025-818-сон маълумотномаси). Натижада, кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200} P_{140} K_{100}$  кг/га меъёрига кўшимча равишда 20 т/га ярим чириган қора мол гўнги ва компостни қўлланилиши минерал ўғитларнинг

$N_{200} P_{140} K_{100}$  кг/га меъёри қўлланилган фонга нисбатан 7,9-9,8 ц/га қўшимча дон ҳосили олишни таъминлаган бўлса, такрорий экин сифатида етиштирилган мошдан 16,9-18,1 ц/га микдорида дон ҳосили олишга эришилган;

кузги буғдойда минерал ўғитларнинг тавсия этилган  $N_{200} P_{140} K_{100}$  кг/га меъёрига қўшимча равишда ярим чириган қора мол гўнги ва компост қўлланилган фонларда гўза етиштириш технологияси Тошкент вилояти Чиноз ва Бўка туманларининг фермер хўжаликларида жами 263,0 гектар майдонларга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 27 февралдаги 02/025-818-сон маълумотномаси). Натижада, кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200} P_{140} K_{100}$  кг/га меъёри қўлланилган фонда такрорий экин экилмасдан келгуси йили гўза парваришланганда 6,0-6,9 ц/га микдорида қўшимча пахта ҳосили олишни таъминлаган ва рентабеллик даражаси 14,1-16,2 % га юқори бўлганлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари Ўзбекистон Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва Тошкент давлат аграр университети томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар ТошДАУнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий анжуманларда маърузалар қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Гўза мажмуидаги экинларда минерал ва маҳаллий ўғитлар ҳамда компостларни қўллашнинг тупрок унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича**

**илмий манбалар шарҳи**” деб номланган биринчи бобида, тадқиқот мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритиб берилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, тупроқ унумдорлиги ва ғўза мажмуидаги экинлар ҳосилдорлигини оширишда такрорий дуккакли дон экинларининг аҳамияти, кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда маҳаллий ва минерал ўғитлар, турли хил компостлардан тўғри фойдаланиш ҳамда қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларига асосланган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларини тўғри озиқлантириш борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида, дала тажрибалари ўтказилган минтақанинг географик ўрни, тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, шунингдек, тадқиқотда қўлланилган агротехник тадбирлар ҳамда тажрибаларни олиб боришда фойдаланилган қишлоқ хўжалик экинлари навларининг тавсифи келтирилган.

Диссертация мавзуси бўйича дала тажрибалари ўтказилган Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари она жинсини бир хилда ташкил топмаганлиги, эскидан суғориладиган тупроқ бўлиб, ер ости (сизот) сувлари 15-18 метр чуқурликда жойлашганлиги, типик бўз тупроқларда гумус миқдори 1,5-2,5 % ни, умумий азот миқдори 0,08-0,1 % ни, фосфор миқдори эса 0,2-0,3 % ни ташкил этиши кўрсатиб ўтилган.

Дала тажрибалари Тошкент давлат аграр университетининг ўқув тажриба участкаси далаларида ўтказилиб, илмий-тадқиқотлар «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» (1963), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) услубий қўлланмалари асосида олиб борилган. Тажрибалардан олинган маълумотларга статистик ишлов бериш Б.Доспехов (1985) нинг услубий қўлланмаси бўйича дисперсион таҳлил асосида ҳисоблаб чиқарилганлиги баён қилинган.

Агрохимёвий таҳлилларни ўтказишда тупроқнинг ҳайдов 0-30 ва ҳайдов ости 30-50 см қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари Л.П.Гриценко, И.М.Мальцева, нитратли азот миқдори Гранвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор миқдори Б.П.Мачигин, алмашинувчи калий миқдори алангали фотометрда П.В.Протасов, тупроқнинг ҳажм массаси цилиндр ёрдамида Н.А.Качинский ҳамда сув ўтказувчанлиги металл ҳалқа усулида аниқланган.

Тажрибалар қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1 кузги буғдой+такрорий экин – мош: ғўза тизимида олиб борилиб, 10 вариантни ўз ичига олган ҳолда 3 такрорланишда ва вариантлар 1 та ярусда жойлаштирилган. Ҳар бир вариантнинг умумий майдони  $4,8 \times 50 = 240 \text{ м}^2$ , шундан ҳисоблиси  $120 \text{ м}^2$  ни ташкил этган. Тажрибанинг умумий эгаллаган майдони 0,720 гектар. Тажрибада эгатлар кенлиги 60 см, эгат узунлиги 50 м.

Тажрибада кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” такрорий экин мошнинг “Победа-104” ва ғўзанинг “Султон” навлари экилган.

Тажриба тизими бўйича кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200} P_{140} K_{100}$  кг/га меъёри ҳамда мазкур минерал ўғитлар меъёрига қўшимча равишда 10, 20 т/га ярим чириган қора мол гўнги ва компост қўлланилган фонларда кузги буғдойдан сўнг такрорий экин сифатида мош экилган ва экилмаган вариантлари ўрганилган. Такрорий экин сифатида етиштирилган мошда минерал ўғитларнинг  $N_{30} P_{90} K_{60}$  кг/га меъёри қўлланилган. Ғўзада эса кузги буғдой ва ундан сўнг такрорий экин сифатида мош етиштирилган ҳамда такрорий экин етиштирилмаган вариантлар фонида минерал ўғитларнинг  $N_{200} P_{140} K_{100}$  кг/га меъёри қўлланилиб, тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий хоссаларига ҳамда ғўза мажмуидаги экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига бўлган таъсири 4 йил мобайнида ўрганилган (2011-2015 йиллар). Дала тажрибалари қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1 тизимида олиб борилганлиги сабабли вақт ва замонда олиб бўрилиб, 3 та далада ўтказилган.

Тажрибада ғўза мажмуидаги экинларнинг ўсиши ва ривожланишини кузатиб бориш ишлари умум қабул қилинган услубномалар асосида олиб бўрилиб, ҳисоб китоблар қилинган. Ўтказилган барча агротехник тадбирлар жорий этилган тавсиялар асосида олиб борилган.

Диссертациянинг **“Қўлланилган агротехник тадбирларга боғлиқ ҳолда кузги буғдой ва такрорий экин мошнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда тупроқ унумдорлигини ўзгариши”** деб номланган учинчи бобида, кузги буғдойда қўлланилган ярим чириган қора мол гўнги, компост ва минерал ўғитлар меъёрларини кузги буғдой ва ундан сўнг такрорий экин сифатида етиштирилган мошнинг уруғларини униб чиқиш даражасига, кўчат қалинлигига, ўсиши ва ривожланишига, биометрик кўрсаткичларига, кузги буғдойда дон ва сомон, такрорий экин мошда дон ва пичан ҳосилдорлигига, доннинг сифат кўрсаткичларига ҳамда ушбу экинларнинг тупроқда қолдираётган анғиз ва илдиз қолдиқлари миқдорларига, анғиз ва илдиз қолдиқлари орқали тупроққа қайтаётган умумий азот, фосфор ва калий миқдорларига таъсирга оид маълумотлар келтирилган.

Тажрибаларда кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” нави экилган бўлиб, унинг уруғларини униб чиқиш даражасига қўлланилган компост, ярим чириган қора мол гўнги ва минерал ўғитлар меъёрларини таъсир этганлиги кузатилиб, кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200} P_{140} K_{100}$  кг/га меъёри қўлланилган фонда ниҳолларни униб чиқиш даражаси 80,5 % ни ташкил этган бўлса, юқорида келтирилган минерал ўғитлар меъёрига қўшимча равишда 10-20 т/га ярим чириган қора мол гўнги ва компост қўлланилган фонларда эса униб чиққан ниҳоллар 82,0-84,2 % ни ташкил этган. Бу эса ўз навбатида қўлланилган 10-20 т/га ярим чириган қора мол гўнги ва компост ҳисобига 1,5-3,7 % га кўпроқ ниҳолларни униб чиқишини таъминлаган.

Кузги буғдой бошоғидаги донлар сони 38,1-38,6 ва 41,8-42,0 донани, 1000 дон дон вазни эса 38,1-38,4 ва 42,2-42,6 г ни ташкил этган бўлиб,

компост таъсирида мос равишда 3,7-3,4 дона ва 4,1-4,2 г га юқори бўлганлиги аниқланган.

Кузги буғдойнинг дон ҳосилдорлиги бўйича олинган маълумотларга кўра, минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри қўлланилган назорат вариантыда 51,2 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри + 10 т/га компост қўлланилган 4- вариантдан 59,5 ц/га дон ҳосили олинди, назорат вариантыга нисбатан 8,3 ц/га юқори бўлганлиги аниқланган. Минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри + 10 т/га қора мол гўнги қўлланилган 2- вариантдан эса 58,1 ц/га дон ҳосили олинди, назорат вариантыга нисбатан 6,9 ц/га юқори бўлган. Минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёрига қўшимча равишда 20 т/га қора мол гўнги ва компост қўлланилган 3 ва 5-вариантларда эса назорат вариантыга нисбатан 9,5-11,4 ц/га қўшимча дон ҳосили олинган.


Минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри қўлланилган назорат вариантыда (1-вариант) кузги буғдой дони таркибидаги оксил миқдори 13,1-13,4 % ни ташкил қилган бўлса, минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри қўлланилган фонда 10 т/га ярим чириган қора мол гўнги қўлланилган 2-вариантда оксил миқдорлари 13,5-13,9 % ни ташкил этиб, фақат минерал ўғитларнинг ўзи қўлланилган вариантга нисбатан 0,4-0,5 % га юқори бўлганлиги аниқланган. Кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри + 20 т/га ярим чириган қора мол гўнги қўлланилган 3-вариантда дон таркибидаги оксил миқдори фақат минерал ўғитларнинг ўзи қўлланилган вариантга нисбатан 0,7-0,9 % га юқори бўлган бўлса, минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри + 10 т/га компост қўлланилган 4 вариантыда эса 0,5-0,7 % га юқори бўлганлиги аниқланган.

Кузги буғдойда минерал ўғитларнинг тавсия этилган  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёрига қўшимча равишда ярим чириган қора мол гўнги ва компостни турли меъёрларда қўлланилиши такрорий экин сифатида етиштирилган мошнинг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига ижобий таъсир этганлиги аниқланган.

Такрорий экин сифатида етиштирилган мошнинг ҳосилдорлиги бўйича олинган маълумотларга кўра, энг юқори кўрсаткич кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри + 20 т/га компост қўлланилган фонда такрорий экин сифатида мош парваришланган 5-вариантда кузатилиб, 18,5 ц/га ни ташкил этган. Шунга яқинроқ натижа кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200} P_{140} K_{100}$  кг/га меъёри + 20 т/га ярим чириган қора мол гўнги қўлланилган фонда такрорий экин сифатида мош парваришланган 3-вариантда кузатилиб, 17,8 ц/га ни ташкил этган. Кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200} P_{140} K_{100}$  кг/га меъёри қўлланилган фонда парваришланган мошдан 14,6 ц/га миқдорида дон ҳосили олинган.


Типик бўз тупроқлар шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1 кузги буғдой+такрорий экин мош : ғўза тизимида кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри + 10-20 т/га ярим чириган қора мол гўнги ва компост қўлланилган фонларда тупроқнинг 0-50 см қатламида кузги буғдойнинг анғиз ва илдиз қолдиқлари миқдори жами 3,72-4,05 т/га ни

ташқил этиб, фақат минерал ўғитлар қўлланилган вариантга нисбатан 0,25-0,58 т/га юқори бўлган.



$НСР_{05}=0,38; 0,55; 1,48$  ц/га

**1-расм.** Кузги буғдойда минерал ўғитлар ва компост қўллашнинг унинг кўчат қалинлиги, умумий ва махсулдор поялар сони ҳамда дон ва сомон ҳосилига таъсири (2012-2014 йилларда уртача).



$НСР_{05}=0,80$  ц/га, 0,83 %

**2-расм.** Кузги буғдойда минерал ўғитлар ва компост қўллашнинг такрорий экин мошнинг кўчат қалинлиги, битта ўсимликдаги дуккак сони, битта ўсимликдаги дон сони, 1000 дона дон вазни ҳамда дон ва пичан ҳосилига таъсири (2012 йил).

Кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри қўлланилган фонда такрорий экин сифатида мош етиштирилган вариантда жами анғиз ва илдиз қолдиқлари 2,12 т/га ни ташқил этган бўлса, кузги буғдойда маъдан ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри + 10-20 т/га ярим чириган қора мол гўнги ва компост қўлланилган фонларда мош етиштирилган вариантларда эса 2,29-2,46 т/га ни ташқил этиб, фақат минерал ўғитлар қўлланилган фонга нисбатан 0,17-0,34 т/га юқори бўлганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Кузги буғдойда қўлланилган компост, маҳаллий ва минерал ўғитлар меъёрлари ҳамда такрорий экин мошнинг тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири» деб номланган тўртинчи бобида кузги буғдойда қўлланилган ярим чириган қора мол гўнги, компост ва минерал ўғитлар меъёрлари ҳамда такрорий экин сифатида етиштирилган мош экинини тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий хоссаларига, ғўза ниҳолларининг униб чиқиш даражаси ва кўчат қалинлигига, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичлари ҳамда вилт касаллиги билан зарарланиш даражасига таъсирига оид маълумотлар келтирилган.

Кузги буғдойда қўлланилган 10-20 т/га ярим чириган қора мол гўнги ва компостнинг 2-йил сўнгги таъсири ҳамда такрорий экин мошнинг анғиз ва илдиз қолдиқларининг ғўзадаги мақбул таъсири натижасида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги назорат вариантыга нисбатан 10-40 м<sup>3</sup>/га ва ҳажм массаси 0,005-0,015 г/см<sup>3</sup> га яхшиланганлиги кузатишган.

Типик бўз тупроқлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш учун қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1 кузги буғдой+такрорий экин-мош : ғўза тизимида кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри + 10-20 т/га ярим чириган қора мол гўнги ва компост қўллаш ҳамда такрорий экин сифатида мош экиб, ғўзада минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри

кўлланилиши такрорий экин экилмаган назорат вариантыга нисбатан тупрокдаги гумус миқдорини 0,007-0,013 % га, умумий азот миқдорини 0,005-0,009 % га, умумий фосфор миқдорини 0,008-0,011 % га юқори бўлишини таъминлаган.

Ўзани нисбатан мақбул ўсиб, ривожланиши кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри + 20 т/га ярим чириган қора мол гўнги ва компост қўлланилиб, сўнгра такрорий экин мошдан кейин ўза экилганда олинган ва ўсимликнинг бўйи (1-августда) 91,2-91,7 см, ҳосил шохлари сони 14,0-14,2 дона, кўсақлар 12,6-12,9 донани ташкил этиб, кузги буғдойда фақат минерал ўғитлар қўлланилиб такрорий экин мош экилган вариантга нисбатан юқоридаги кўрсаткичлар мос равишда 3,8-4,3 см, 1,3-1,5 ва 2,8-3,1 донага юқори бўлганлиги аниқланган.

Нисбатан юқори пахта ҳосили кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри + 20 т/га ярим чириган қора мол гўнги ва компост қўлланилиб, такрорий экин мошдан сўнг ўза экилган вариантларда олинган ва 3 йилда ўртача 42,3-43,1 ц/га ни ташкил этиб, мошнинг таъсиридан 3,3-4,2 ц/га, гўнг ва компостнинг сўнги таъсиридан 1,7-3,5 ц/га, компост билан мошнинг биргаликдаги таъсиридан эса 5,0-7,7 ц/га қўшимча ҳосил олинган.

Пахта толасининг нисбатан юқори технологик сифат кўрсаткичлари кузги буғдойда минерал ўғитларнинг  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёри + 20 т/га ярим чириган қора мол гўнги ва компост қўлланилиб, такрорий экин мошдан кейин ўза экилганда олинган ва тола чиқиши 37,5-37,7 %, 1000 дона чигит вазни 133,5-133,9 г., саноат нави биринчи, узилиш кучи 4,3 гк., чизиқли зичлиги 173-174 м/текс, етилиш коэффициенти 2,1-2,2 ва нисбий узилиш кучи 24,7-24,8 га тенг бўлиб, такрорий экин мош экилган вариантга нисбатан тола чиқиши 0,5-0,7 %, нисбий узилиш кучи 0,2-0,3 га юқори бўлганлиги аниқланган.

1-жадвал

**Кузги буғдойда компост ва турли ўғитлар қўллаш ҳамда такрорий экин мошнинг ўзани ҳосилдорлигига таъсири**

№ Вар.	Кузги буғдойда қўлланилган ўғит меъёрлари	Такрорий экин мошда қўлланилган минерал ўғит меъёрлари, кг/га	Ўзада қўлланилган минерал ўғит меъёрлари, кг/га	Йиллар бўйича пахта ҳосили, ц/га			Уч йилда ўртача пахта ҳосили, ц/га
				2013	2014	2015	
1	$N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га	Экилмаган	$N_{200} P_{140} K_{100}$	35,3	36,6	34,4	35,4
2		$N_{30} P_{90} K_{60}$	$N_{200} P_{140} K_{100}$	38,7	39,9	37,5	38,7
3	$N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га + 10 т/га гўнг	Экилмаган	$N_{200} P_{140} K_{100}$	37,0	38,1	36,2	37,1
4		$N_{30} P_{90} K_{60}$	$N_{200} P_{140} K_{100}$	40,5	41,6	39,4	40,5
5	$N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га + 20 т/га гўнг	Экилмаган	$N_{200} P_{140} K_{100}$	38,3	39,4	37,0	38,2
6		$N_{30} P_{90} K_{60}$	$N_{200} P_{140} K_{100}$	42,2	43,5	41,2	42,3
7	$N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га + 10 т/га компост	Экилмаган	$N_{200} P_{140} K_{100}$	37,6	38,7	36,8	37,7
8		$N_{30} P_{90} K_{60}$	$N_{200} P_{140} K_{100}$	40,7	42,0	40,6	41,1
